

Жозиба ЖАМОЛ қизи,
Ҳадичаи Кубро ислом ўрта махсус
аёл-қизлар билим юрти мударрисаси

Срозила аёллар таърифати

Маърифат, билимдонлик исломий нуқтаи назардан қаралса, инсон ўзининг кимлигини, ҳаётдаги ўрнини ва мақсадини, бурчи ва масъулиятларини англашдан бошланади. Маърифат ва илмнинг аввали эса Ҳақ таолонинг борлигини мушоҳада этишдир. Аллоҳ таолони таниган мусулмон борки, Унинг буюрганларига амал қилиб, қайтарганларини тарк этади. Бу ҳукмлар инсонларни жоҳиллик ва илмсизлик ҳаётидан нурафшон ҳаёт йўлига бошлайди. Шундай ҳукмлардан бири аёлга яхши муносабатда бўлиш масаласидир.

Ислом динида аёлларнинг тутган ўрни беқиёсдир. Жоҳилият замонларида аёл-қизларга қанчалар тубан муносабатда бўлингани кўпчиликка маълум. Ислом шариати аёлни жамиятда ўз ўрнига эга инсон эканини исботлади, унга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб берди. Аёл-

ларнинг мартабасини кўтарди, уларнинг эркаклар қатори инсон эканлигини юзага чиқарди.

Инсоннинг қадри унга бирор нарсани ишониб топшириш, уни бирор муҳим вазифага масъул қилиш билан бўлади. Аллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилишдек муҳим бурчни аёлларга ҳам эркаклар билан бир хилда буюриши аёлнинг мартабасини улуғлайдиган асосий далиллардандир.

«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намозни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир» («Тавба» сураси, 71-оят). Ушбу оятда мўминлар ва мўминаларнинг бир-бирларини яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтара оладиган тенг инсонлар экани таъкидланмоқда. Англашиладики, жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришда аёллар ҳам ўзларини масъул ҳис этмоқликлари зарур.

Ислом шариати ҳукмлари бирма-бир



нозил бўлиш асносида аёлнинг мартабасини кўтарди, шаънини улуғлади. Жумладан, уларни инсон сифатида эътироф этган ҳолда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан алоҳида байъат қилдилар. Улар ҳақида алоҳида сура ва оятлар нозил бўлди.

Аёл киши оилада ҳам, бутун жамиятда ҳам ўз ўрнини топиши учун унга берилган имкониятлардан тўла фойдаланиши лозим. Зеро, ислом шариатининг қоидаларига кўра, ҳар бир аёл-қиз худди эркаклар каби илм олишга, саломатлигини мустаҳкамлаш, мол-мулкини кўпайтириш йўлида ҳаракат қилишга, шунингдек, обрў ва мартабасини ҳимоя қилишга ва бошқа инсоний ҳуқуқларга эга. Бу имкониятлар эса уларни камолотга эришишларида асосий омил вазифасини ўтайди.

Аёл кишининг ислом оламидаги, жамиятдаги энг асосий вазифаларидан бири оилада тинчликни сақлаш ва ёш авлодга тўғри тарбия бериш ҳисобланади. Агар аёл киши маърифатли, билимли, комил ва етук инсон бўлса, мустақил фикрига эга, жасур ва ҳақсевар, қутлуғ бир авлодни тарбиялаб вояга етказишга ҳисса қўшади. Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, агар бир киши илм олса, у бу илмини ўзи учун ишлатиши мумкин, аммо аёл кишининг илмли бўлиши унинг фарзандлари ҳам илмли ва етук бўлишини англатади. Ўсиб келаётган маърифатли авлод вакилларида эса бутун бир жамиятнинг ўзаги барпо топади.

Мамлакатимизда бошланган қутлуғ ислоҳотлар самараси ўлароқ халқаро ислом академияси ташкил этилгани, хусусан, «Ислом тафаккури» мажалласи чоп этила бошлагани юртимизда исломий эътиқодимизни чуқур ва теран илмий асосларда ўрганишга янада кенг имконият яратади деб ўйлайман. Мажалланинг келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилар эканман, унинг муаллифлари орасида муслима аёлларимиз ҳам фаоллик кўрсатишларига ишонаман.

